Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
14-may,
shanba
№ 58
(3719)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдур» деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам қачонки босқинчи ва истилочи кучлар эл-юртимизни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало, уни ўз тили ва динидан, тарихи ва маданиятидан, миллий ғururидан жудо этишга уринган. Ўлкамиз қарамлик чангалига тушиб қолган истибдод даврларида она тилимизнинг ривожланиш имкониятлари чеклаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида милоддан олдинги ва милоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради.

Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир.

Шу борада Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби илму фан ва адабиёт намояндаларининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жоиз.

Ўзбек адабий тили айниқса XIV-XV асрларда — Амир Темур ва темурийлар даврида ривожланишнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий, Бобораҳим Машраб, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб мумтоз адиб ва алломаларимизнинг ижодида она тилимизнинг луғат бойлиги, бадиий имкониятлари, унинг гўзаллиги ва нафосати янада ёрқин намоён бўлганини таъкидлаш лозим.

Мустамлака тузумининг тазйиқларига қарамасдан, ўз ҳаётини халқимизнинг маънавий камолотига, она тилимизнинг равнақ топишига бағишлаган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуғ маърифатпарварларнинг улкан хизматларини, бу йўлда ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар, миллатпарвар сифатида из қолдирган зиёли инсонларнинг номларини эл-юртимиз доимо ҳурмат билан эслайди.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур.

Бу борада 1989 йили юртимизда «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва ушбу ҳуқуқий норма Конституциямизда муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш давлат дастури тўғрисида»ги қарори, 1993 йилда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонун, 1995 йили «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби бошқа ҳужжатлар қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу соҳада яратилган норматив-ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишни кафолатлаб келаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айни шу аснода Ўзбекистонда миллий тилларни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда.

Ана шундай ишлар қаторида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожида, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, кўплаб луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

(2).

## Инновациялар — иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили

*Тошкентда IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси якунланди.*

**Анъанавий инновацион ярмарка Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси доирасида ўтказилди.**

Инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий инновация тизимини ривожлантириш, юқори самарали технологияларни жорий этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, илм-фан ҳамда техниканинг устувор йўналишларини жадал ривожлантириш мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидандир. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси давлат, илм-фан, ишлаб чиқариш ва бизнеснинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини самарали бирлаштириш, инновация жараёни иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг барча даражадаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(3).



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## Маҳорат мактабига айланди

*Ёшлар ижод саройида эстрада хонандаларининг «Куйла, ёшлигим!» республика танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

Мамлакатимизда ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган ишлар изчил олиб борилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ёш авлод учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан ташкил этилган «Куйла, ёшлигим!» танловидан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг эстрада йўналишида ўз маҳоратини намоён этиши учун имконият яратиш, миллий эстрада санъатининг энг яхши анъаналарини оммалаштиришдан иборатдир.

— Мамлакатимизда ёшларнинг мусиқий дидини тўғри йўналтиришга оид кўплаб танловлар ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов. — «Куйла, ёшлигим!» ижодий лойиҳаси ҳам бу йўналишда санъатсевар ўғил-қизларга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Мазкур ижодий лойиҳанинг илк босқичларида 18-25 ёшгача бўлган мингга яқин ҳаваскор хонанда қатнашди. Уларнинг 48 нафари республика босқичида иштирок этишга муваффақ бўлди. Ёшларнинг ижрочилик ва артистик маҳорати, репертуари, саҳна маданиятига асосий мезон сифатида ёндошилди. Иштирокчилар томонидан ижро этилган миллий ва жаҳон эстрада қўшиқлари маданият ва санъат арбоблари, моҳир санъаткорлар, мусиқачилар томонидан баҳоланди.

— Танлов жараёнида ўзимизга бўлган ишончимиз мустаҳкамланиб, ижодий тажрибамиз янада бойиди, — дейди самарқандлик хонанда Рустам Рустамов. — Ижрочилик, саҳна, томошабин олдидаги юксак масъулиятни дилдан англадик.

Тошкентлик Сардор Турсунов танловда биринчи ўринни қўлга киритди. Самарқанд вилояти вакили Марям Ғафурова иккинчи, қорақалпоғистонлик Турдимурат Тилеумуратов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари иштирокида концерт намойиш этилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Ифтихор

**Баҳор фаслида жамики мавжудот қайта туғилгандек туюлади. Беихтиёр гўдакнинг нафасини ҳис қилгандек бўласиз. Нақадар илиқ, мусаффо...**



## Истиқлолдан баҳра олиб

Хаёллар Ойқор тоғи сари елади, ёнгинамда оқаётган Сангзор дарёсининг ҳовурини сезаман... Баҳорнинг лаҳзаларига тарих сингиб кетаётгандек. Юртбошимизнинг мана бу сўзлари ёдимга тушади: «Жиззах икки минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган қадимий маскан... Ўзбек халқининг кўп-кўп асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салоҳиятига салоҳият қўшган, тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган...».

Шу сўзларни ўқиганингиздан кейин ён-атрофга янада тийранроқ қарамай бўларканми? Тарихда Дизак, яъни қалъача деган Жиззахнинг бугунги жамолини бир кўринг! Суғдийча кичик қалъача деган маънони берадиган бу воҳанинг бугунги қамрови таърифига тил ожиз. «Жиззах» махсус индустриал зонасини ташкил этиш, бош режа асосида Жиззах шаҳрини қуриш, ободончилик борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ишларни айтмайсизми! Демак, тасаввур қилиш қийин эмас. Жиззах республиканинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлади. Шаҳарнинг ички йўллари кенгайтирилиб, кўчалар оралиғига гуллар, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда. Шаҳар бозорларига-ку гап йўқ. Бу ердаги тўкинчилик юртдаги фаровонликка яна бир қиёс. Савдо ходимларига яратилган шароит, харидорларга кўрсатилаётган ҳиммат... Стадион, бассейн, теннис кортлари, спорт мажмуалари шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. 2-3 қаватли тураржой бинолари, фавворалар... Кўплаб хиёбон, истироҳат боғлари фойдаланишга топширилди. Катта миқдорда цемент ишлаб чиқарадиган завод жуда кўплаб ёшлар бандлиги масаласини ҳал этди...

(3).



Инсон қадри азиз

>> 2



Намунали ўқув маскани

>> 3

Ishonch 2016-yil 14-may, shanba, № 58 (3719)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

# АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**(1).**

Айни вақтда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз даркор. Энг аввало, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масалага айланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимизда муҳим вазифа бўлиб турганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факултетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти негизида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (кейинги ўринларда — Университет деб юритиладиган) ташкил этилсин.

Университет таркибида 3 та факултет: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факултетлари, шунингдек, Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи Университет таркибига ўтказилиб, унинг негизида Ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар, илмий-педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айни шу йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университетнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш;

илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;

талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;

ўзбек тили ва адабиёти, фолклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссасини, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ муаммоларни чуқур тадқиқ этиш;

ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукаммал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва луғатини ёзувда акс эттириш, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш, турли мавзу ва йўналишлардаги луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш;

умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш;

она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш.

4. Университет фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш учун иловага мувофиқ таркибда республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев)га:

Университет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тайёрлаш вазифаси топширилсин.

Ушбу қарорда Университетнинг таркибий тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш, Университетни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, устав ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни вақтинча жойлаштириш учун тегишли бино билан таъминлаш;

Университетни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, шу мақсадда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тугатилаётган ўзбек филологияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факултетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг раҳбар ва илмий ходимлари, профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;

Университет олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув режалари ва дастурлар, ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш;

Университет учун қуриладиган ва реконструкция қилинадиган тегишли бинолар, унинг ҳудудидаги майдон ва хиёбонларни реконструкция қилиш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш, хусусан, бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни, истисно тариқасида, тендер савдолари ўтказмасдан танлаш, қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-қидирув ишлари билан бир вақтда олиб бориш ва уларнинг белгиланган муддатда молиялаштирилишини таъминлаш, қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларини 2017 йилнинг 1 августига қадар якунига етказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутилсин.

5. Университетда ўқув жараёни 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин ва 1-курсга қабул кўрсаткичлари бўйича таклифлар ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда:

Университетнинг бош биноси олдидаги майдонда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш бўйича тегишли ташкилотлар билан биргаликда ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин;

ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этсин.

7. Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мамлакатимиз ҳудудига олиб кириладиган компютер техникаси, махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар, истисно тариқасида, 2020 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармонни кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2016 йил 13 май*

---

*Касаба уюшмалари — фахрийларга*

*9 май Хотира ва қадрлаш куни*

# Инсон қадри азиз

**Фарғона вилоятида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти фахрийларига катта эҳтиром кўрсатилди. Ташкилот, корхона ва муассасаларда байрам тадбирлари ўтказилди.**

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» ҳамда «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акциялари ташкил этилиб, 211 нафар Иккинчи жаҳон уруш қатнашчисига мустақиллик йилларида хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 11 нафар оила аъзоларига манзилли моддий ёрдам кўрсатилди.

— Камтарона меҳнатларимизни шунчалик қадрлаган Президентимиз омон бўлсин, — дейди Фурқат туманилик меҳнат фронти фахрийси Эргашой Олимова. — Санаторийга бепул йўлланмадан бошим осмонга етди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири**

* * *

**Қарши шаҳрида тиббиёт ташкилотлари ҳамда тармоқ касаба уюшмаси томонидан хотира тадбири уюштирилди.**

Унда воҳа аҳолисига малакали хизмат кўрсатиб, халқнинг эътиборини қозонган, аммо бугунги кунда орамизда бўлмаган шифокорлар ёдга олинди.

Улар билан ёнма-ён ишлаган сафдош ва шогирдларининг дил сўзлари, гўёки ўтмиш, бугун ва келажакнинг мустаҳкам занжирини кўз ўнгимизда гавдалантирди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Дилбар Тўхтаева илғор шифокорлар ва фахрийларга эсдалик совғалари топширди.

**Обидхон МУСТАЕВ, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

* * *

**«Навоийазот» АЖда бўлиб ўтган маданий-маърифий тадбир халқимизга хос эзгу фазилатларни яна бир карра намоён этди. Касаба уюшма қўмитаси, ёшлар комиссияси билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат фахрийлари, ёшлар иштирокида «Уч авлод учрашуви» ўтказилди.**

Шунингдек, корхонанинг «Ширин» маданият саройида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари таклиф этилиб, байрам дастурхони ёзилиб, бадиий жамоаларнинг чиқиши ташкиллаштирилди. Касаба уюшма қўмитаси, ёшлар комиссияси, «Камолот» ЁИҲ, корхона хотин-қизлар қўмитаси, тиббий-санитария қисми шифокорлари билан 5 нафар Иккинчи жаҳон уруш қатнашчилари хонадонларига ташриф буюрилиб манзилли ёрдам кўрсатилди, озиқ-овқат тўпламлари, моддий ёрдам, дори-дармонлар етказилди.

**Б.ҚУВВАТОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси**

* * *

**Байрам муносабати билан «Муборакнефтгаз» масъулияти чекланган жамиятида қатор тадбирлар ўтказилди.**

Жумладан, меҳнат фронти қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда байналмилалчи жангчилар ва Чернобил ҳалокатини бартараф қилишда қатнашган ишчи-хизматчиларга эсдалик совғалари, озиқ-овқат маҳсулотлари топширилиб, байрам дастурхони ёзилди.

Тадбир асноси Муборак шаҳридаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди.

Корхонада кўп йиллар меҳнат қилиб, вафот этган фахрийлар хотирасига анъанавий «Мини футбол» турнири ташкил қилинди.

Ғолиблар маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан таъсис этилган Диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шароф РАҲМАТОВ, «Муборакнефтгаз» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси**

---

*Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари*

**Қорақалпоғистон Республикасида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик ва муқобиллик тамойиллари асосида ўтказилмоқда.**

# Сайлов давом этмоқда

Қонликўл туманида 7 овул, 1 посёлка ва 3 маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 100 дан зиёд маслаҳатчилари сайланади.

— Шу кунга қадар 6 фуқаролар йиғинида сайловлар бўлиб ўтди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қонликўл тумани бўлинмаси бошлиғи Гулжамол Муханова. — Фуқаролар ўзлари яхши биладиган обрў-эътиборли, кўпчиликни эзгу ишларга йўналтира оладиган кишиларни муқобиллик асосида маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиси этиб сайламоқда.

Тумандаги «Арзимбетқум» овул фуқаролар йиғини ҳудудида 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, маҳалла ҳар томонлама чирой очди. Фуқаролар йиғини раиси ташаббуси билан ҳудудда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар барчага манзур бўлмоқда.

Овул фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида ана шу муваффақиятлар таъкидланди. Вакиллар йиғилиши иштирокчилари очиқ овоз бериш орқали иккита номзоддан бирини сайлади. Шу пайтгача овул фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келаётган Нукусбой Айтмуратов қайта сайланди. Маслаҳатчилар орасидан ҳам обрўли, бошқаларга ўрнак бўла оладиган номзодларга овоз берилди

**А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири**

---

*Ёз — 2016*

# Тайёргарлик қизғин



Диёримизда болалар саломатлиги, уларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши ҳамиша эътиборда.

— Оромгоҳимиз ҳудудида ободонлаштириш ишлари аллақачон бошлаб юборилган, — дейди «Сирдарё» оромгоҳи директори Мурод Аллаёров. — Баҳорнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиб, оромгоҳ ҳовлисига ўз томорқамизда етиштирилган дарахт ва гул кўчатлари экиб чиқилди. Томорқада, шунингдек, оромгоҳ ошхонаси учун сабзавотлар, 100 га яқин мевали дарахтлар парваришлаяпмиз. Уч йилки, дам олувчилар учун мевали шарбатлар ўзимизнинг меваларимиздан тайёрланмоқда.

Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид вилоят ҳокимининг қарорида муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланяпти. Умуман, мавсумда 4800 нафар бола дам олдирилади.

Айни пайтда «Гулистон» ва «Сирдарё» оромгоҳлари ҳудудидаги биноларни мавсумга тайёрлаш, таъмирлаш, зарур жиҳоз ва асбоб-ускуналар, ёнғинга қарши ўт ўчириш, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш ишлари олиб борилаяпти. Бундан ташқари, Маънавият хоналари, спорт майдончаларини тахт ҳолга келтириш кўзда тутилган бўлиб, саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

— Мутасадди ташкилот ва ҳомийлар билан биргаликда болажонларимизнинг ҳар томонлама кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун куч-ғайратимизни аямаймиз, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Х.Аминов. — Оромгоҳлар таъмири, жиҳозланиши, таъминоти бу йил ҳам юксак даражада ташкил этилади. Айниқса, педагог кадрлар танловига катта эътибор қаратаётирмиз.

**Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири**

---

*Матбуот анжумани*

# Истиқболли лойиҳалар

**Миллий матбуот марказида «Модернизация — юксак самарадорлик омили» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда 15 йилдирки май ойининг учинчи якшанбаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни сифатида кенг нишонланиб келади.**

Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси мустақиллик йилларида улкан бунёдкорлик ва иқтисодий юксалишлар йўлини босиб ўтди. Ҳозирги кунда қарийб 60 минг нафар турли касб эгалари меҳнат қилаётган комбинат қудратли ишлаб чиқариш объектлари ва инфратузилмасига эга гигант корхонага айланди. Республика иқтисодиётида етакчи мавқега эга бўлган комбинатда истиқлол йилларида энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган кўплаб завод ва конлар фойдаланишга топширилди.

Жумладан, ўзининг жозибадорлиги ҳамда Менделеев даврий системасида акс этган кўплаб металларга бой Қизилқум саҳроси бағридаги табиий бойликларни ўзлаштиришда инновацион технологияларни жорий этишда катта тажриба тўплаган кончилар ва металлурглар салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

— Асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича барча режалар мунтазам бажариб келинаяпти. Кези келганда, кон-металлургия саноатини ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан маъқулланган истиқболли лойиҳалар ўз самарасини бераётганини таъкидлашни истардим. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 245 миллион доллардан ортиқ маблағ эвазига 10 та лойиҳа фойдаланишга топширилди, — деди Навоий кон-металлургия комбинатининг инвестиция департаменти бошлиғи Абдулла Хурсанов. — Жорий йилдаги Инвестиция дастури доирасида комбинат бўйича умумий қиймати 963,8 млн. доллар бўлган (2015 — 2019 йиллар) 20 та лойиҳа киритилди. Шундан 2016 йилда 182,4 млн. доллар инвестициялар ўзлаштирилиши кўзда тутилаяпти.

Малакали мутахассислар, муҳандис-технологлар Навоий кон-металлургия комбинатининг энг асосий бойлиги ҳисобланади. Комбинатнинг ижтимоий сиёсати меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган ва бу ҳудудий ривожланиш ҳамда ижтимоий барқарорликка салмоқли ҳисса қўшиш имконини бераяпти.

Кейинги беш йилда комбинатнинг ёш мутахассислари истиқомат қилаётган Навоий вилоятининг Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, Самарқанд вилояти Қўшрабод туманидаги Заркент, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Зафаробод қўрғончаларида 470 хонадондан иборат 16 та кўп қаватли тураржой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Учқудуқда «Ёшлар уйи» ва «Орзу» истироҳат боғи, Зарафшондаги болалар аквапарки кончиларнинг фарзандлари ихтиёрида.

Маъмурият ва касаба уюшмалари томонидан ижтимоий шериклик асосида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни, болалар спортини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Комбинат тизимида 5 та стадион, 5 та бассейн, елканли спорт учун база, 80 дан ортиқ спорт заллари ва майдончалари мавжуд. Спортчилар халқаро ва республика мусобақаларида салмоқли натижаларни қайд этишмоқда. Охирги 5 йилликда комбинат спортчилари республика ва халқаро мусобақаларда 2,5 мингга яқин олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишгани қувонарли, албатта.

Соғлом она ва бола йилида комбинат томонидан давлат дастури доирасида 23 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Жумладан, Заркент қўрғонида аквапарк қурилиши, Зарафшон шаҳрида «Она ва бола» скрининг маркази барпо этилиши, Нуробод туманида сув билан даволаш профилакторийсини ишга тушириш, Кармана туманидаги «Металлург» профилакторийсини халқаро стандарт талаблари даражасида қайта таъмирлаш каби қатор эзгу ишлар амалга оширилаяпти.

Модернизация жараёнлари, инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш билан бирга кучли ижтимоий сиёсат юритилиши юртимизнинг саноат салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири**

*Диққат, танлов!*

# «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёш авлод вакилларида Ватан туйғуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказади.**

«Энг фаол ёш авиаходим», «Энг фаол ёш банк ходими», «Энг фаол ёш геолог», «Энг фаол ёш дастурчи», «Энг фаол ёш кимёгар», «Энг фаол ёш кончи», «Энг фаол ёш металлург», «Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими», «Энг фаол ёш олим», «Энг фаол ёш спорт мураббийи», «Энг фаол ёш темирйўлчи», «Энг фаол ёш транспортчи», «Энг фаол ёш шифокор», «Энг фаол ёш энергетик» номинациялари бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун касаба уюшмасига аъзо турли соҳаларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар таклиф этилади.

**Танловда қатнашиш учун танлов номинацияси номи кўрсатилган ҳолда талабгор ўзи меҳнат қилаётган корхона касаба уюшмаси қўмитасига қуйидагиларни тақдим қилади:**

— иш фаолиятига оид ва эришган ютуқларини акс эттирувчи, тегишли ташкилот раҳбари томонидан имзоланган тавсифий тавсиянома;
— маълумотнома-объективка;
— паспорт нусхаси;
— 2 та (3,5х4,5) оқ фондаги рангли фотосурат (электрон нусхаси билан бирга);
— ўз меҳнат фаолиятида эришган ютуқларини тасдиқловчи ва акс эттирувчи ҳужжатлар;
— мутахассиснинг манзили, уй ва иш телефонлари;
— қўшимча равишда, ижодий, бадиий ва илмий ишларининг нусхалари, янги ишланма ва лойиҳалари, лойиҳани татбиқ қилиш механизми ва унинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида ўз соҳасига оид мавзуларда чоп этилган мақолалари, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий етуклиги, жамоат ишларида фаол иштироки тўғрисидаги тавсиялар тақдим этилиши мумкин.

**АСОСИЙ МУКОФОТ**

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ғолиблари орасидан сараланган мутахассис, яъни янги ишланма ва лойиҳаларига эга бўлган, лойиҳаси самарадорлиги натижасида республика иқтисодиётига ҳисса қўшиладиган, ижтимоий-сиёсий фаол бир нафар ёш мутахассис касаба уюшмаларининг гранти билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг эсдалик совға ҳамда дипломлари билан тақдирланади.

**ТАНЛОВ УЧ БОСҚИЧДА:**

**I босқич — 15 май-15 июнь** кунлари корхона, ташкилот ва муассасаларда;
**II босқич — 15-30 июнь** кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида;
**III босқич — июль ойида** республика-тармоқлар миқёсида ташкил этилади.

Танлов ғолибларига мукофотлар 2016 йил сентябр ойида ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» IV республика форумида тантанали равишда топширилади.

Танлов мезонлари билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг интернет тармоғидаги **www.kasaba.uz** портали орқали танишиш мумкин.

Танлов тўғрисида маълумотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ва «Камолот» ЁИҲнинг ҳудудий бўлинмалари орқали берилади.

**Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг (+998 71) 252-21-19, 256-76-57, 256-48-81 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.**

# Истиқлолдан баҳра олиб

**ЎзА**(1).

Бугун Жиззахда мева-сабзавотлар тўкинлиги йўлида жуда катта ҳажмдаги ишларга қўл урилган бўлиб, вилоят туманларида узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этилди. Бу борада мамлакатимиз раҳбарининг «2013 — 2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Туманимизда 1 минг 327 гектар токзор, 130 гектар интенсив боғлар барпо этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Ғаллаорол туманидаги Тўйчи Худоёров хўжалиги фермери Асад Абдуолимов. — Бунинг учун хорижда етиштирилган серҳосил кўчатлардан экдик...

Ҳа, воҳанинг табиати ҳаммавақт одамларни ўзига ром қилиб келган. Соҳибқирон бобомиз бу воҳада бир неча марта ҳордиқ чиқаргани ва чинорлар экканлиги тарихдан маълум. Бу жойлар ҳали-ҳануз эъзозланади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси вилоят минтақавий бўлими раҳбари Лола Санаеванинг таъкидлашича, табиатнинг ноёб манзаралари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ёдгорликлар, археологик топилмалар хорижлик сайёҳларни ўзига ром қилмоқда. Нурота ва Зомин қўриқхоналари, Зомин миллий боғи ва туманлардаги ўрмон хўжаликлари, Айдаркўл ва Тузкон тизими эса экотуризмнинг ўнлаб турларини ривожлантириш имконини беради. Сайёҳлар халқимизнинг бой маданий тарихи, урф-одатлари, яшаш тарзи ва удумлари билан яқиндан танишиб, ҳайратда қолмоқда. Айниқса, Фориш туманидаги 3 минг йиллик асрий чинорларни кўрганда, Пишоғар ғорида яшаган ибтидоий одамларнинг изларини ҳис қилганда, бу воҳа инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган ҳудуд эканлигини англамоқдалар.

Ҳа, биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам. Яқинда Ғаллаорол туманидаги тўқсон ёшдан ошган отахон Омон Шайзоқов менга шундай деди:

— Президентимизнинг «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони кучимга куч қўшди. Дунёнинг ҳеч бир ҳудудида кексалар биздагича эъзозланмаса керак...

Отахон айни дамларда ўзига кўрсатилаётган хизматдан мамнун. Нафақаси ўз вақтида берилаяпти. Шифокорлар саломатлигини назорат қилиб туришибди. Дори-дармонлар бепул, ҳар йили республикамизнинг кўнгилочар ерларига саёҳатларга олиб боришаяпти...

Соғлом она ва бола йили шундоқ ҳам болажон бўлган жиззахликларни жўш урдириб юборди. Фарзандларимизнинг дуркун ўсиши, она Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшишларига имкон яратиб бериш йўлида талайгина ишлар амалга оширилаяпти. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун эса ҳамма шароит бор. Биргина Жиззах шаҳридаги «Ёшлик», «Заргарлик», «Бобур», «Жиззахлик», «Иттифоқ» ва «Тинчлик» маҳаллаларида ўндан ошиқ мини-футбол майдончалари мавжуд. Яна янгиларини фойдаланишга топширишга ҳозирлик кўрилаётир.

Вилоятнинг узоқ ҳудудларида бўлиб, кўп қаватли мактабларнинг очилиш маросимида қатнашганимда, белидаги белбоғини ечиб йиғлаган отахонларни кўрганман. Нега деб сўраганимда: «Э, нимасини айтасиз, бизлар отхоналарда ўқиган эдик, эндиги ёшларнинг бахтига очилган мактабларни қаранг! Буни Президентимиз қуриб бераяпти. Қадрига етайлик, қадрига...» деган сўзлари ҳануз қулоғимда акс-садо бериб турибди.

Юрт тинч, Ватан обод... Жиззахликлар қалбида ҳам бу туйғулар илдиз отиб қудратли кучга айланмоқда. Буни бугун меҳнат қилаётган фермерларнинг, вилоят харитасини яшил рангларга бўяётган боғбону соҳибкорларнинг меҳнатига қараб билса бўлади.

Юртимиз ўзининг чорак асрлик тўйига ҳозирлик кўрмоқда!

Мустақиллик. Бу калима ҳар биримиз учун нондай табаррук, Ватандай азиз. Болаларнинг қалбидай мусаффо. Гўдакларнинг иссиқ нафасини эслатади. Ниятимиз каби бокира, табиатимиз каби абадий.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

Семинар

**Ўзбекистон Миллий университетида Қизил Ярим Ой жамияти Олмазор тумани вакиллари ҳамда Журналистика факултети талабалари иштирокида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ва жамият ташкил топганлигининг 153 йиллигига бағишланган «Соғ танда — соғлом ақл» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

## Соғ танда — соғлом ақл

Унда Қизил Ярим Ой жамиятининг Олмазор тумани ижрочи директори Хурсанд Аҳмедова ушбу ҳаракат ҳақида, унинг асосчилари, унга аъзо давлатлар ва рамзий белгилар тўғрисида кўргазмали слайдлар орқали кенг маълумот берди. 1925 йил 14 ноябрда ташкил топган жамият таркибида бугунги кунга келиб 4 500 бошланғич ташкилот ва 230 000 фаол аъзо фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти 2007 йилда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича Европа стандарти сертификатини олган.

Қизғин савол-жавобларга бой ўтган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Наврўзшоҳ ХУДОЙҚУЛЗОДА,**
**ЎзМУ талабаси**

Таълим

# Намунали ўқув маскани



**Нукус шаҳридаги 11-Республика Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, унда 50 нафар муаллим келажак авлод вакилларига таълим-тарбия бериб келмоқда. 2006 йилда 257 нафар ўқувчига уч йўналишда билим бера бошлаган муассасада бугунга келиб, 410 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Мактабда ёшларнинг истеъдод ва иқтидорини, қизиқиш ва қобилиятини эътиборга олган ҳолда қатор фанлардан чуқурлаштирилган дарслар йўлга қўйилган. Бу эса, таълим жараёнида ижобий натижаларини кўрсатаётир.**

Даргоҳда аниқ, табиий, гуманитар фанлар ва чет тилларидан чуқурлаштирилган дарслар ўтилади. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун барча шароит муҳайё этилган. Замонавий талабларга жавоб берадиган физика, кимё, биология, компютер, хорижий тилларни ўрганиш хоналари, махсус лабораториялар янги қўлланмалар ва кўргазма қуроллари билан таъминланган. Ўқувчилар учун дарсдан ташқари фан тўгараклари ташкил этилган.

Дарсларни асосан юқори малакали ва олий тоифали ўқитувчилар ўтишади. Уларнинг саъй-ҳаракати натижаси Нукус шаҳри мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган фан олимпиадалари ва билимлар беллашувларида кўзга ташланади. Мисол учун, жорий йилда информатика фанидан 9-синф ўқувчиси Нурдаўлет Кунхожаев олимпиадада биринчи ўринни эгаллади.

Махсус жиҳозлар билан таъминланган мактаб спорт зали ҳамиша гавжум. Стол тенниси, шахмат-шашка ва футбол бўйича фаолият кўрсатаётган тўгаракларга 50 нафардан ортиқ ўқувчи аъзо. Каратэ, таэквандо, кик-боксинг ва кураш секциялари қатнашчилари мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда совринли ўринларни эгалламоқда. Жумладан, 2-синф ўқувчилари Қуаншбай Урақбаев таэквандо бўйича Қорақалпоғистон чемпиони, Мийрбек Мамутов каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони ва 9-синф ўқувчиси Ильяс Рейпназаров кураш бўйича Қорақалпоғистон чемпиони ҳисобланади.

П.Қалхоразова, А.Сейтимбетова, А.Исаева ва Р.Бегжановалар сингари фидойи педагогларнинг ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш йўлидаги меҳнати ана шундай ютуқларнинг қўлга киритилишига гаров бўлмоқда.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Инновациялар — иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили



**ЎзА**(1).

Анжуманда вазирлик ва идоралар, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган давлат ҳамда хусусий корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий ва инновация марказлари, шунингдек, олим ва ихтирочилар иштирок этди. Тадбирда ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ресурсларни тежаш, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш, импорт ўрнини босиш ва экспорт кўламини кенгайтиришга қаратилган 650 дан зиёд янги технология, ишланма ҳамда ғоялар тақдим этилди. Ярмарканинг ўтказилиши самарасида бу янгиликларнинг аксарияти яқин вақт ичида саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим соҳаларида кенг қўлланилади.

Аввалги ярмаркалардан фарқли равишда, бу галги тадбирда ташкил этилган «Экотехнология» бўлимида мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган ва жорий этишга тайёр 40 истиқболли ишланма намойиш этилди. Жумладан, ёш олим Илёс Худойназаровнинг «Биосалвент» ишланмаси шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувни тежаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга мўлжалланган.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корхоналари илмий-тадқиқот институтлари, ташкилот ва компаниялар билан қиймати 300 миллион сўмликдан ортиқ қатор шартномалар тузди. Масалан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан гидрогеологик қудуқларда еrости сув сатҳи ва ҳароратини автоматик ўлчаш қурилмасини ўрнатиш учун келишувга эришилди.

Ярмарка олий ўқув юртларининг илм-фан соҳасидаги инновацион салоҳияти ҳам йил сайин юксалиб бораётганини кўрсатди. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ўтказилаётган тадқиқотлар тармоқ ва корхоналарнинг муайян эҳтиёжларига хизмат қиладиган ва аҳамиятга молик кўплаб вазифаларни ҳал этишга қаратилгани билан ғоят муҳимдир. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, ярмаркада фаол иштирок этган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бундай ҳамкорлик самарасида янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қарийб 300 миллион сўмлик шартнома тузди. Олий ўқув юртининг ўқитувчи-профессорлари ва талабалари биргаликда ишлаб чиққан электрон намликни ўлчаш асбоби ва переферик кўктомирларни кўриш учун мўлжалланган мослама катта таассурот қолдирди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликларини ривожлантиришга хизмат қиладиган технологиялар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ярмаркага келган иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Ярмаркада намойиш этилган истиқболли «Фаровон» сабзи нави фарғоналик фермер Муҳиддин Сайдалиевнинг эътиборини тортди. Бу нав гектаридан 50-60 тонна ҳосил олиш, сабзи уруғини четдан келтиришни камайтириш имконини беради.

Шунингдек, ярмарка давомида иштирокчилар мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама этиш имкониятига эга бўлди. Шу муносабат билан ўтказилган иккинчи Тошкент халқаро инновация форумида инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида инновацияларнинг ўрни, инновацион иқтисодиёт учун ахборот оқимини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди. Ярмарка доирасида ёш дизайнерлар томонидан яратилган либослар намойиш қилинди, ёш олим ва талабалар «Робот-шоу» ташкил этди.




Якунланган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш механизмини янада мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган илмий ҳамда инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз самарасини бераётганини яна бир бор тасдиқлади. Олимларимиз томонидан яратилган илғор технология ва ишланмаларнинг жорий этилиши натижасида импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси инновацион фаолият мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида муҳим омил бўлаётгани ифодасидир.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*ЎзА фотомухбири Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.*

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



Комбинат ишчи-хизматчиларини ва соҳада меҳнат қилаётган барча меҳнаткашларни касб байрами билан қизғин қутлайди! Юртимиз иқтисодини юксалтиришда муносиб ҳисса қўшаётган металлургларга ғоят масъулиятли ишларида ҳамиша омад ва зафарлар ёр бўлсин!





Дастурхонингиздан қут-барака аримасин, оилангизни фаровонлик асло тарк этмасин!

Касаба уюшмаси аралашгач

**Касаба уюшмалари томонидан фуқаролар мурожаати иш берувчи билан ижтимоий шериклик асосида, музокаралар орқали ҳал этилаётгани айни муддао бўлмоқда.**

## Ижтимоий шериклик асосида

Масалан, Оқдарё туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Олчинтепа қишлоқ врачлик пункти ходими Г.Жаббарова МКнинг 99-моддасига кўра ўз хоҳиши билан ишдан бўшаганлиги, бироқ, ҳозирда моддий томондан қийналиб қолганлиги, ўз ишига қайта тикланмоқчи эканини баён этиб касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Маълумки, юқоридаги моддага асосан икки ҳафталик огоҳлантириш муддати давомида ходим ишдан бўшаш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Гарчи, Г. Жаббарова ҳолатида муддат ўтказиб юборилган бўлса-да, касаба уюшма ҳуқуқшунослари собиқ ходимнинг оилавий аҳволини ўрганиб, ҳақиқатан ҳам оила моддий жиҳатдан қийналганлигини аниқлади. ҚВП маъмурияти билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида музокара ўтказилиб, Г. Жаббаровани қайтадан ишга олиш масаласи ижобий ҳал этилди.

**Азамат БОЛИБОЕВ,**
**Самарқанд вилоят КУТБ юридик бўлими етакчи юристконсулти**

## Иш ҳақи ундириб берилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига Сурхондарё вилояти, Бойсун туманида яшовчи фуқаро Назратилло Идрисов «Орзу» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси маъмуриятидан иш ҳақини ундириб беришни сўраб мурожаат қилди.

Мазкур шикоят тегишли тармоқ касаба уюшмаси ҳуқуқшунослари томонидан Н.Идрисов иштирокида ўрганилганда, иш берувчи МКнинг қатор талабларини бузганлиги аниқланди. Жумладан, Кодекснинг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бироқ, иш берувчи моддий имконияти етарли эканлигига қарамай, фуқаронинг иш ҳақини ўз вақтида тўламаган. Бундан ташқари, маъмурият иш юритишда Вазирлар Маҳкамасининг меҳнат муносабатларига оид қатор қарорлари талабини қўпол равишда бузиб келган.

Натижада, аниқланган ҳолатлар бўйича фирма раҳбари билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, камчиликлар бартараф қилинди. Фуқаро Н. Идрисовнинг барча тўланмаган меҳнат ҳақи ундириб берилди.

**А.ҒАНИБОЕВ,**
**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти**

## Сохта ариза билан...

Наманган вилоят КУТБКга Уйчи тумани Ровот шаҳридан фуқаролар Шерзодбек Эшбоев ҳамда Абдулбоқи Юсупов уларнинг меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан ноқонуний равишда бекор қилинганидан норози бўлиб мурожаат қилди.

Касаба уюшма ҳуқуқшунослари зудлик билан аризани ўрганишга киришди. Натижада, Ш.Эшбоев ҳамда А.Юсупов Уйчи тумандаги 40-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари вазифасида фаолият юритганлиги, улар маъмурият буйруғи билан МКнинг 99-моддасига кўра ишдан бўшатилганлиги аниқланди. Бироқ, ушбу модда меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида бўлиб, ходимлар бундай ташаббус кўрсатмаганликлари, ариза ёзмаганликларини билдирган. Уларнинг таъкидлашича, аризалар иш берувчи томонидан сохталаштирилган. Шунингдек, буйруқ МКнинг бошқа қатор моддаларига амал қилмасдан чиқарилган.

Аниқланган ҳолатлар бўйича иш берувчига тақдимнома киритилди. Касаба уюшмаларининг қонуний талаблари иш берувчи томонидан бажарилмагач, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиб, Фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туман судига даъво аризаси берилди. Суд касаба уюшмалари даъвосини қаноатлантириб, Ш.Эшбоев ва А.Юсуповни илгариги жойига ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақини ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

**Мавлонбек ЗАРИПОВ,**
**Наманган вилоят КУТБК юридик бўлими етакчи юристконсулти**

Бунёдкорлик

**Бугун қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий тураржойларга қараб, беихтиёр ҳаваслнасиз. Камдан-кам давлатлардагина учрайдиган ана шу бинокорлик тажрибаси чет эллик эксперт ва мутахассислар томонидан ҳам юқори баҳоланаётгани бежиз эмас.**

## Фаровонликка йўналтирилган сармоя

Намунавий лойиҳа асосида қурилаётган тураржойлар замонавий архитектура талабларига тўла жавоб бериши ва мукаммал инфратузилмага эгалиги боис хонадон соҳибларига манзур бўлмоқда. Етти фоизли кредитнинг 15 йил давомида тўлаб борилиши ва уй қийматининг бадали сифатида атиги 25 фоизи олдиндан тўланиши уй эгалари, айниқса, ёш оилалар учун жуда қўл келмоқда. Аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган бу эзгу ишларда «Ипотека банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳиссаси катта, албатта.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар қурилиши, очиғи, қишлоқ аҳолисининг кўнглидаги иш бўлаяпти, — дейди «Ипотека банк» АТИБ Тошкент вилояти филиали Амалиёт бошқармаси бошлиғи Тожибой Якупов. — 2014 йилда Ўрта Чирчиқ туманида 74 та, 2015 йилда 135 та, Зангиота туманида 42 та уй қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Бундай уйлар қурилиши жорий йилда ҳам давом эттирилиб, 186 та намунавий уйларни қуриб битказиш кўзда тутилган.

Хусусан, банк томонидан замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқларда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган корхоналарга кредит бериш, юридик ва жисмоний шахсларга комплекс банк хизматларининг кўрсатилиши халқимиз турмуши ободлигига хизмат қилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

Орамиздаги одамлар

## Устозлар сабоғи

**Инсон улғайгани сари ўзлигини англаб бораверади. Ватани, ота-онаси, ёр-биродарлари, касбини ардоқлаб, ҳаёт деб аталмиш буюк неъмат қадрига етади. Бугун сизга таништирмоқчи бўлганимиз Нигора Мардонова ҳам ана шундай юртдошларимиздан.**

У Самарқанд вилояти Нарпай туманида туғилган. Ота-онаси ўқитувчи бўлгани сабаб, ёшлигидан ушбу касбга меҳр қўйди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатгач, Самарқанд давлат университетининг чет тиллар факултетида имтиёзли равишда таҳсил олди. Тиришқоқлик билан олинган билим ҳамда кўникма умумтаълим мактабида жуда асқотди. Бу ҳақда у шундай хотирлайди:

— 1994 йил ўқитувчилик фаолиятимни бошлагач, касбим нақадар машаққатли, шу билан бирга, эъзозу эътиборда эканини тушуниб етдим. Фарзанд тарбиясида ҳам педагоглик менга қўл келди. 5 нафар фарзандимизни турмуш ўртоғим билан биргаликда тарбиялаб, вояга етказдик. Ҳозирда улар эл ишига камарбаста.

2006 йил Германияда оширилган малака уни яна бир поғона кўтарди.

— Хорижда ўтган кунлар ҳаётимнинг унутилмас дамларидан бири бўлди, — дейди Нигора опа. — Йигирма бир кун давомида немис ҳамкасбларимиз билан ўқув-машғулотларда қатнашдик, тажриба алмашдик. Бир-биримиздан ўрганганларимизни дарсларда қўллашга келишиб олдик.

2005 йил Нигора Мардонова учун омадли келди. У «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловида иштирок этиб, 1-ўринни эгаллади. Немис тили фани бўйича кўргазмали чиқишлар ва ўтказилган очиқ дарслар унга омад олиб келди. Бахт келса қўшалоқ келади деганларидек, ўша йили «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига ҳам сазовор бўлди. Ушбу ютуқлар уни янада катта куч билан ишлашга ундади.

Нигора опа муваффақиятларини устозларининг меҳнат самараси деб билади. Бир вақтлар Рисолат Омонова, Норсулув Усмонова, Муина Абдуллаевалардан хорижий тил сир-асрорларини чуқур ўрганган бўлса, эндиликда ўзи кўплаб иштиёқманд ўқувчиларга устозлик қилаяпти. Шогирдларидан бири Гулноза Азаматова Самарқанд давлат чет тиллар институтида, ҳам қизи, ҳам шогирди Баҳора Сатторова Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факултетида ўқияпти.

Юртбошимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан бошланғич синфларда чет тилларини ўргатиш тизими йўлга қўйилганига ҳам 4 йил тўлди. Бу борада Самарқанд вилоятида, жумладан, Нарпай туманида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилди. Чет тили хоналари замонавий жиҳозланди. Устоз ва ўқувчилар керакли дарслик ҳамда қўлланмалар билан таъминланди. Ўқитувчилар ўз устида тинимсиз ишлаб, янги педтехнологиялардан фойдаланган ҳолда ёш авлодга сабоқ бериб келишаётир.

Ислом Шоир шаҳарчасидаги Нигора Мардонова фаолият юритаётган 27-мактабда бўлганимизда бу ерда дарс машғулотлари қизғин олиб борилаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Ўқитувчилар қалбида меҳр, қўлида сеҳр билан болажонларга билим улашаяпти. Юраги билимга ташна ўқувчилар эса кўзларида ўт чақнаб устозининг сабоғини тинглашаяпти. Мактабнинг 3-хонасидан эса меҳрибон устоз — Нигора опанинг меҳрли сўзлари тошиб чиқмоқда: Ih liebe dih Uzbekistan...

**Давронбек ОРИПОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

## Имтиёз, имконият, самара

**Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида сўнгги йилларда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш механизмини соддалаштириш ва солиқ имтиёзларини оптималлаштириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиляпти.

Ушбу қарорнинг 3-бандига асосан микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган. Мазкур имтиёзлар Оҳангарон туман давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган «Ishchi kiyim», «Hamkor nur savdo» ва «Ohangaron Mubinabonu» масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда. Натижада, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб, янги иш ўринлари вужудга келяпти.

Шунингдек, имтиёзлардан оқилона фойдаланаётган «Farog'at» хусусий корхонасининг иши ҳам анча юришиб қолган. У ерда бугунги кунда мактаб, коллеж ўқувчилари ҳамда корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимлари учун махсус кийимлар тикиш йўлга қўйилган. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва дизайни харидорларга манзур бўляпти. Буни буюртмачилар сони тобора ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Қолаверса, корхона ўз ҳисобидан эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилаларга бепул махсус кийим тикиб беришдек савобли ишларни амалга ошириб келаётир.

— Айни пайтда корхонада 30 нафарга яқин ишчи меҳнат қиляпти. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ва маҳсулот турларини кўпайтириш эвазига яна 8 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш учун улар билан шартнома имзоладик, — дейди корхона директори Фароғат ая Мўминжонова.

Айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар аҳоли бандлиги таъминланишига, энг муҳими, халқимизнинг турмуш фаровонлиги яхшиланишига хизмат қилади.

**Лобар АЗАМАТОВА,**
**Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси**

Реклама

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ 15-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ҚАЙТА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Сирдарё вилояти Боёвут ва Мирзаобод туманларидаги К-1 каналини реконструкция қилиш. **Бошланғич нархи ҚҚС билан 15 520 763 988 сўм, ҚҚС сиз 12 933 969 990 сўм. Қурилиш муддати — 605 кун 2016-2017 йиллар.**

Қурилиш ишларини молиялаштириш: **Республика бюджети ҳисобидан.**

Буюртмачининг манзили: **Гулистон шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 127- уй.**

Телефон **0-367-225-11-30, 0-367-225-13-42.**

Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

***Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:*** Тел (факс): (0-3672) 27-64-42. *Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 158 300 сўм.*

Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

**Хизматлар лицензияланган.**

## ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Мамлакатимизда кон-металлургия соҳасида хизмат қилаётган меҳнат жамоаларини Ўзбекистон Республикаси кон ва металлургия саноати ходимлари куни билан самимий табриклайди.
Шарафли касбда меҳнат қилаётган меҳнаткаш ва фидойи инсонларга соғлик-омонлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз.
Мустақил Ватанимиз иқтисодини янги марраларга кўтариш, соҳа ва саноатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!








## «ОЛМАЛИҚ» КМК МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Мамлакатимиз аҳли ва соҳада меҳнат қилаётган фидойи ходимларни касб байрами билан чин қалбдан табриклайди. Барча ютуқларимизнинг асоси бўлмиш тинчлик-осойишталигимизга кўз тегмасин!*

Сизларга сиҳат-саломатлик тилаймиз, хонадонларингиздан кут-барака аримасин, Ватанимизнинг порлоқ истиқболи йўлидаги ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!

## «НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Соҳа вакилларини кон ва металлургия саноати ходимлари куни билан табриклайди. Мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ушбу касб эгаларига соғлик ва меҳнат фаолиятларида омад тилайди.*





## «TOSHKENTIKKILAMCHIQORAMETALL» МЧЖ КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



Келажаги порлоқ Ўзбекистонимизнинг иқтисодий ривожланишида муносиб ҳисса қўшиб келаётган кон ва металлургия тизими ходимларини касб байрами билан қутлайди!

*Сизларга фаровон хаёт, сихат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ёр бўлсин. Хонадонларингиздан файзу барака аримасин! Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига қаратилган саъй-ҳаракатларингизга бардавомлик тилаймиз.*




**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Navoiy** — (+998-93) 313-86-87
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-90) 910-54-05
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**
A.Toshev
**Navbatchi:**
A.Arslonov
**Musahhih:**
S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:**
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **23:00**
Topshirildi — **23:30**

1 2 3 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 3 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
20829 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133